



## BENEFICIAL PROPERTIES OF LEAVES, MINT, PASTURE LEAVES, METHODS OF USE

Komila Eshonkulova

assistant of the department of pharmacology

Эрназарова М. Ш

assistant of the department of pharmacology

+998941814769

Yuldoshev Sohibjon

student of the Faculty of Pharmacy

+998995987593, @ samMiFarm303

### Annotation

plants containing medicinal substances, their compositional properties.

**Keywords:** rheumatism, diseases, nature, chemical composition, stone disease.

РОВОЧ; ровоч (Rheum) — торондошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми, сабзавот экини. Асосан, Осиёда ўсадиган 50 га яқин тури бор. Ўзбекистонда 3 тури ёввойи ҳолда ўсади. Деҳқончиликда сабзавот тури сифатида. Европа мамлакатлари, АҚШ, Хитой, Ўрта Осиёда экилади. Илдизи йўғон, сертармоқ, илдизпояли. Пояси тик, бўйи 2 м гача боради. Барги йирик, оддий, банди узун (1,5 м гача), серсув, нордон, ейишли, лимон ва олма кислотасига бой. Гуллари майда, тўпгули рўваксимон. Гултожбарги 6 та, оқишпушти ёки қизил. Меваси 3 қиррали, қизилқўнғир пистача. Барг банди кўкламдан бошлаб истеъмол қилинади, ундан соуслар, компот, кисель, мураббо, конфет, квас тайёрлашда фойдаланилади. Айрим турларининг илдизи қадимдан ошловчи модда сифатида ишлатилади. Илдизи ва илдизпояси таркибида 3—6% антрагликозид, 6—12% ошловчи Моддалар бор. Панжасимон Р. (R. Palmatum) доривор ўсимлик сифатида ўстирилади. Илдизидан тайёрланган препаратлар (кукун, дамлама ва настойкалар) сурункали кабзият ҳолларида сурги сифатида ишлатилади. Ровоч уруғи, кўчати ва илдиз бачкиларидан кўпайтирилади. Экилганидан кейин 2йилдан барг банди олиб ишлатилади. Ҳосилдорлиги 6—7йили 250—400 ц/га. қадимда



ошқозон-ичак касалликларини даволашда кенг қўлланилган. Ҳозир ҳам ушбу мақсадларда фойдаланилади. Бунга сабаб, таркибида биологик фаол моддалар, органик кислоталар, дармондорилар (С, В, РР), калий, фосфор ва магний моддалари кўплигида.

Улуғ аллома Абу Али ибн Сино ровоч билан чечак, вабо, қизамиқ касалликларини даволаган. Шунингдек, илдизи ичак, буйрак, қовуқ, бачадон оғриқларини қолдирувчи, овқат ҳазмини яхшиловчи дори сифатида ишлатилган. Замонавий тиббиётда ҳам ровочнинг фойдали хусусиятлари чуқур тадқиқ этилмоқда.

Ровоч буйрак ва ичаклар фаолиятини, озиқ-овқат сўрилишини яхшилади. Ўсимлик, одатда, ўт ҳайдовчи восита сифатида ҳам ишлатилади. Ошқозон-ичак трактини меъёрлаштириш ҳисобига ўпка ва юрак фаолиятини ҳам яхшилаши тадқиқотларда исботланган. Қорин дам бўлиши, ичаклар атонияси (мушак ва тўқималар тонусининг пасайиши), қабзиятда ҳам ровоч тавсия этилади. Камқонликнинг енгил даражасини даволаш учун ҳар куни бир пиёладан ровоч шарбати ичиш лозимлиги тиббий адабиётларда қайд этилган. Антисептик таъсири юқорилиги сабаб, тўғри ичак ёриқларини даволайди. Томирлар атеросклерози, қабзият, ўт пуфаги касалликларида яхши наф беради.

### Shakl boshi

Бу кўкат фитонутриентларга бой бўлгани учун турли ўсмаларнинг илдиз отишига йўл қўймайди. Чунки фитонутриентлар ўсмани озиқлантирувчи майда қон томирчалари пайдо бўлишининг олдини олади. Исмалоқ, айниқса, ичаклар ва простата беши саратонидан ҳимояловчи самарали восита ҳисобланади. Кунига 55 грамм исмалоқ истеъмол қилсангиз, А дармон-дорисининг кунлик миқдорини қабул қилгандек бўласиз. Ўсимликдаги барча фойдали моддаларга тўлиғича эга чиқишни истасангиз, уни ишлов бермасдан, салатларга қўшиб тановул қилинг.





исмалоқ буйракларда туз ва тошлар йиғилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун буйрак-тош хасталикларидан азият чекувчи беморларга бу кўкат тавсия этилмайди.

Ялпиздан олинадиган эфир мойлари фармакологияда оғриқ қолдирувчи восита сифатида қўлланилади. Мушакларни бўшаштириш хусусияти сабаб бўғимлардаги оғриқларда ҳам бундай мойлар қўл келади. Энг муҳими эса ялпиз антиоксидантларга жуда бой! Демак, қариш ва саратоннинг асосий кушандаси.



гастрит ва жиғилдон қайнашидан азият чекувчи кишилар ялпиз тановул қилмаганлари яхши. Гарчи, у жуда фойдали ўсимлик ҳисобланса-да, ҳар бир организмга индивидуал таъсир кўрсатади. Агар меъёрдан ортиб кетса, уйқуга мойилликни келтириб чиқаради. Қон босими паст бўлган кишилар ялпиз тановулида меъёрни сақлашлари лозим. Ялпиз юрак фаолиятини яхшилаши, юрак тез урганда секинлаштириши, қон айланишини равонлаштириши ва терлатиш хусусиятлари азалдан маълум. Ота-боболаримиз, кекса момоларимиз бу ўсимликдан шамоллашни даволашда ва иситмани туширишда фойдаланишган. Ялпизнинг бўшаштирувчи хусусиятга эга. Уни салат ва таомларга қўшиб истеъмол қилиб юрилса аъзолар яллиғланишига қарши таъсир кўрсатади. Ялпиз таркибида органик кислоталар, минерал тузлар ва дармондорилар мавжуд бўлиб, у жиғилдон қайнашида ёрдам беради, турғун сафрони ҳайдаб, жигарни тозалайди. Унинг таркибидаги тахир моддалар жигар ва ўт қопини мустаҳкамлайди, ўтдаги тошларни туширишда ҳам ялпиздан фойдаланса бўлади.

Ялпизнинг шифобахшлиги колитда, ичак ярасида, ич қотишида синалиб ўз исботини топган. Қорин дам бўлганда, меъдада оғриқ, санчиқ, оғирлик бўлганда, жиғилдон қайнаши, ҳиқичоқ, қаттиқ бош оғриғи, кўнгил айнаши қийнаганда ялпизнинг кўмагига таяниш мумкин. Бўғимлар яллиғланишига оид артрит ва подагра каби касалликларда оғриган



соҳага ялпизнинг янги узилган барглари эзилиб боғланса оғриқни қолдиради. Отқулоқ баргини муздек сувда чайиб пешанага қўйилса, бош оғриғини енгиллаштиради. Шунингдек, тана ҳарорати кутарилганида энсага босиш мумкин. Бадандаги иссиқликни олади.



Торкибида кўп микдорда лимон, олма, ва шовул кислоталари мавжуд. Бу кислоталарнинг озгинаси танамизга фойда келтирса-да, меъёрдан ортиғи турли хасталикларга сабаб бўлади. Айниқса, шовул кислотаси кальций моддаси билан бирикиб оксалат(туз)ларни ҳосил қилади. Натижада, буйрак ва бўғимларда туз пайдо бўлиши мумкин. Демак, буйрак-тош ва артроз хасталикларидан азият чекувчи беморларга отқулоқ тановул қилиш тавсия этилмайди. отқулоқ таркибидаги А витамини теримизни ажинлардан ҳимоялайди. Ровоч таркибидаги антрагликозидлар ичак перистальтикасини фаолроқ ишлашга мажбур қилиб, ич келишини яхшилади. Селен моддаси эса эркак уруғини фаоллаштириб, фарзанд кўриш эҳтимolini оширади. Яна таркибидаги К витамини қон кетишини тўхтатиш хусусиятига эга. Шунинг учун қадимда аёллардаги туғруқдан кейинги қон кетишларида бу ўсимлик кенг қўлланилган. Ровочнинг ёшроғи фойдалироқ ҳисобланади. Қай бир ровоч ёш, қайсиниси қариоқ эканини эса рангига қараб билиб олаверасиз. Оқроғи қариоқ, қизғиши ёшроқ. Ровочни блендерда майдалаб, минерал сув билан аралаштирасиз, таъбга кўра асал солсангиз, кифоя, иссиқ кунларда мазали лимонад бўлади.



барча нордон таъмли кўкатларда бўлгани каби ровочда ҳам шовул кислотаси мавжуд. Юқорида айтиб ўтганимиздек, уни буйрак-тош



хасталикларидан азият чекувчи беморлар истеъмол қилмаганлари мақсадга мувофиқ.

**Фойдаланилган адабиётлар;**

1. Холматов Х. Ахмедов У. Фармакогнозия
2. Робия НУРИДДИНОВА экспрес.уз